



Оқибат одамларни бирдамликка, ободликка чорлаб келган

3-с.

“Хорижда топилмаган ҳаловат ва хотиржамлик уйимда экан...”

7-с.



ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

**№32
(2360)**

**2026 йил
18 АПРЕЛЬ,
ШАНБА**

Маҳалла

ХАЛҚҚА ЯНАДА ЯҚИН

WWW.UZMAHALLA.UZ

2026 йил — “МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ”

БУГУНГИ СОНДА:

“Вазият мураккаб бўлса ҳам, вазифани уддалашга бел боғлаганмиз”

Ёши улуг инсонларнинг узок йиллик тажрибаси, синовдан ўтган ҳаёт илми маҳалла аҳлининг асосий таянчи, десак муболаға бўлмайди. Айниқса, ёш оилалар мустақамлигини таъминлаш, ажралишларнинг олдини олиш борасида бу жуда муҳим аҳамият касб этади.

3-с.

“Бизда банд бўлмаган бирорта оила қолмаган...”

Бу гапимга ишонмаган баъзи одамлар бир-икки та ховлига кириб-чиқишади. У ердаги манзарани ўз кўзлари билан кўргач, одамлар билан суҳбатлашгач, буни ҳақиқатлигига ишонишади. Ютуқлар сири нимадалиги билан қизиқишади.

6-с.

“Маҳалла бюджети” йиғин ривож ва тараққиётига хизмат қиляпти

Эндиликда аҳолининг мол-мулк ва ер солиғидан тушадиган солиқ тушумларининг 10 фоизи “маҳалла бюджети”да қоляпти. Бу – ҳар бир маҳалланинг 100 миллион сўмгача маблағи бўлади, дегани. Ушбу маблағлар маҳаллада янги иш ўрни яратадиган, аҳолининг оғирини енгил қиладиган лойиҳаларга йўналтириляпти.

8-с.

Маҳалла тажрибаси Японияда тақдим этилади

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Қуронбоев раҳбарлигидаги Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Японияда расмий хизмат сафари бошланди.

Дастлаб Япониянинг Нагоя университетига ташриф буюрилди. Мазкур учрашув нафақат дипломатик ва академик мулоқот, балки Ўзбекистоннинг маҳалла институтини глобал илмий муҳокама майдонида олиб чиқиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири сифатида баҳоланмоқда. Университет президенти Наоши Сугияма билан бўлиб ўтган давра суҳбатида маҳалланинг илмий асосларига алоҳида эътибор қаратилди.

Маҳалла нафақат Марказий Осиё цивилизациясида шакллانган анъана, балки замонавий социология ва давлат бошқаруви нуктаи назаридан ҳам ўрганилаётган ноёб модель сифатида тақдим этилди. Бу борада япон ва ғарб олимларининг тадқиқотлари келтирилиб, маҳалланинг жамоавийлик, ўзаро ёрдам ва ижтимоий бирдамлик тамойилларига асосланган тизим экани таъкидланди.

Давоми 2-саҳифада.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК



МАҲАЛЛА — ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ РЎЙХАТИ АНИҚЛАНДИ

ВАКОЛАТ ВА ИМКОНияТЛАР БИР, ҲУҚУҚЛАР ТЕНГ, АММО НАТИЖАЛАР НЕГА ҲАР ХИЛ?

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси жорий йилнинг январь-март ойлари якунлари бўйича мамлакатимиздаги барча маҳаллалар фаолиятини ижтимоий-иқтисодий муҳит барқарорлиги жиҳатидан баҳолаб, энг намунали маҳалла раислари фаолиятини аниқлади ва уларни “ТОП-100” таликка киритди.

Ушбу таҳлиллар муҳим бир ҳақиқатни очиб берди: ваколат ва имкониятлар бир хил, ҳуқуқий асослар тенг бўлганига қарамай, маҳаллалар ривожини ўртасида кескин тафовут мавжуд.

Баҳолаш 10 та асосий кўрсаткич асосида амалга оширилди. Жумладан:

- аҳоли бандлигини таъминлаш (маҳалладаги ишсизлар сони ва бандлиги таъминланганлар);

- камбағалликни қисқартириш (камбағал оилалар ва бу тоифадан чиқарилган оилалар сони);

- жиноятчиликнинг олдини олиш (2025 йил ва 2026 йилнинг дастлабки 3 ойи ўзаро солиштирилади);

- оилавий ажралишларнинг олдини олиш (2025 йил ва 2026 йилнинг дастлабки 3 ойи ўзаро солиштирилади);

- “Яшил макон” умумий лойиҳаси ижроси (кўчат экиш режаси ва экилган кўчатлар сони);

- “Маҳалла жамғармаси” маблағлари тушуми (2025 йилдаги қолдиқ ва 2026 йилнинг 3 ойида тушум миқдори ҳамда сарфланган маблағ);

- аҳоли мурожаатлари билан ишлаш (келиб тушган ва ижобий ҳал этилган мурожаатлар сони);
- мигрантлар билан ишлаш (маҳалладан хорижга кетганлар ва миграциядан қайтарилганлар сони);

- “еттилик”ка йўналтирилган муаммоли масалаларнинг ҳал этилиши (йўналтирилган ва ҳал этилган муаммолар сони);

- спортга жалб этилган аҳоли сони (қамров даражаси ва рейтинг кўрсаткичи) инobatта олинди.

Давоми 2-саҳифада.

Давоми 2-саҳифада.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

БМТ ҳамкорлик дастури муҳокама марказида



Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси иштирокида 2026-2030 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурининг устувор йўналишлари муҳокама қилинди.

Тадбир давомида маҳалла тизимининг жамият ҳаётидаги ўрни алоҳида таъкидланди. Қайд этилганидек, бугунги кунда маҳалла нафақат бошқарувнинг энг қуйи бўғини, балки аҳолига хизмат кўрсатиш, муаммоларни жо-

йда ҳал қилиш ва жамиятда ҳамжихатликни мустақамлашда муҳим платформа вазифасини бажармоқда. Ҳозирда юртимизда 8 992 та маҳалла фаолият юритиб, миллионлаб аҳолини қамраб олгани, айниқса, ёшлар улуши юқорилиги унинг аҳамиятини янада ошираётгани таъкидланди.

Сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида “Рақамли маҳалла” тизими жорий этилгани, маҳаллаларда мустақил бюджет шакллантирилгани ҳам алоҳида таъкид қилинди. Шунингдек, 2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилинган ушбу йўналишдаги ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилади.

Давоми 2-саҳифада.



Президентимиз ИЖТИМОЙ ХИМОЯ ТИЗИМИНИ янада такомиллаштиришга қаратилган таклифлар билан танишди.



Президент Шавкат Мирзиёев шахматчимиз Жавоҳир Синдоровни “МЕХНАТ ШУҲРАТИ” ОРДЕНИ билан тақдирлади.



Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларнинг ҳар бирига 30 МИЛЛИОН СУМдан бир марталик пул мукофоти берилди.

“МАҲАЛЛА РАИСИ, БУ — МАҲАЛЛАНИНГ ВИЖДОНИ!”

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

МАҲАЛЛА — ИСЛОҲОТЛАР МАРКАЗИДА

МАҲАЛЛА ТАЖРИБАСИ ЯПОНИЯДА ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Мухим жиҳатлардан бири — Ўзбекистон ва Япония маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тизимлари ўртасидаги ўхшашликлар мавжуд. Япониядаги “Чонаикаи” ва “Жичикаи” каби жамоа институтлари билан маҳалла ўртасида ижтимоий бирдамлик, фуқаролик фаоллиги ва маҳаллий даражадаги муаммоларни биргалликда ҳал этиш борасида яқинликлар мавжуд экани қайд этилди.

Сўхбат якунида ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича аниқ ташаббуслар илгари сурилди:



Қўшма илмий тадқиқотлар, академик алмашинув дастурлари ҳамда Ўзбекистонда янги ташкил этилаётган “Маҳаллани ривожлантириш миллий институти” ва Нагоя университети ўртасида тизимли ҳамкорликни йўлга қўйиш таклифи билдирилди.

Ташриф давомида делегация аъзолари “Нагоя — Ўзбекистон” дўстлик жамияти ва Японияда истикомат қилаётган ватандошлар билан учрашувлар ўтказиб, миллий кадрларни сақлаш ва ёшлар фаоллигига оид масалаларни муҳокама қилишди. **Нара шаҳрида** эса шаҳар мэри Ген Накагава билан мулоқот бўлиб ўтди. Шунингдек, Токио губернатори Койке Юрико билан учрашув, Япония Ички ишлар ва коммуникациялар вазирлиги ҳамда JICA (Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги) вакиллари билан музокаралар ўтказилди.

Шунингдек, Япония университетлари ва илмий марказлари билан қўшма тадқиқотлар олиб бориш, тажриба алмашиш ҳамда илмий мулоқотни кенгайтириш мақсад қилинган. Япония илмий ҳамжамияти вакиллари жорий йил кузда Маҳалла институтига бағишланган халқаро конференцияга таклиф этилади. Ташриф давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ РЎЙХАТИ АНИҚЛАНДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Рақамларга мурожаат қилсақ, мавжуд 8 992 та маҳаллада ишлар тизимли йўлга қўйилгани, ўзига хос тажрибалар яратилганига гувоҳ бўлиш мумкин. **“Намунали” маҳаллалар харитасига назар ташласак**, улар, асосан, Фарғона, Андижон, Навоий, Жиззах, Наманган ва Хоразм вилоятларида кўпроқ экани ойдинлашади.

Мисол учун, Андижон туманидаги “Бахт” маҳалласида шу кунгача 51 нафар ишсиз аҳоли бандлиги таъминланган, бирорта жиноят ва оилавий ажралиш қайд этилмаган. “Яшил макон” доирасидаги тадбирлар режага кўра 116 фойизга бажарилган, “Маҳалла жамғармаси”га 76 фойиз тушум таъминланган.

“Намунали” маҳаллалар сони кам бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, шунингдек, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари билан тизимли ишлар олиб борилди. Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси мазкур ҳудудларда семинар-тренинглар, бошқарув фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган учрашувлар ташкил этипти.

ЖАРАЁННИ ХУДУДЛАР КЕСИМИДА ТАҲЛИЛ ҚИЛСАҚ, айрим вилоятларда нисбатан барқарор ва самарали бошқарув тизими шаклланаётганини кўриш мумкин. Хусусан, **Тошкент вилояти** 65,5 балл билан энг намунали ҳудуд сифатида қайд этилгани бежиз эмас. Бу ерда маҳаллалар фаолиятини мувофиқлаштириш, идоралараро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва натижага йўналтирилган бошқарув тизимлари самара бермоқда.

Мисол учун, Ангрэн шаҳридаги “Янгиҳаёт” маҳалласида шу кунгача 28 нафар ишсиз аҳоли бандлиги таъминланган, 7 та оила камбағалликдан чиқарилган, бирорта жиноят ва оилавий ажралиш қайд этилмаган. “Яшил макон” доирасида белгиланган режалар 100 фойизга бажарилган, “Маҳалла жамғармаси”га 66,1 фойиз тушум таъминланган. “Еттилик”ка йўналтирилган муаммоли масалаларнинг 215 таси ижобий ҳал этилган. Қувонарлиси, миграцияда бўлган 100 нафар фуқаронинг барчаси ўз уйига қайтарилган.



Кейинги ўринларни **Фарғона вилояти** (59,6 балл) ва **Хоразм вилояти** (56,6 балл) эгаллаб турибди. Ушбу ҳудудларда ҳам маҳаллаларда ижтимоий-иқтисодий муҳитни яхшилаш, аҳоли билан ишлаш ва муаммоларни манзилли ҳал этиш борасида муайян тизим шаклланини кузатиш мумкин.

Масалан, Богот туманидаги “Богзор” маҳалласида шу кунгача 48 нафар ишсиз аҳоли бандлиги таъминланди, бирорта жиноят ва оилавий ажралишга йўл қўйилмади. “Яшил макон” доирасидаги тадбирлар ижроси 128,4 фойизга бажарилган, “Маҳалла жамғармаси”га 86,3 фойиз тушум ундирилди. Хорижда юрган мигрантларнинг 17 нафари қайтарилди, 112 та муаммоли мурожаатнинг барчаси ўз ечимини топди. Маҳаллада соғлом ҳаёт тарзини йўлга қўйиш учун аҳолининг 41,1 фойизи спортга жалб этилди.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

БМТ ҳамкорлик дастури муҳокамалар марказида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Н укусдаги муҳим анжумандан сўнг, масъуллар “Дейкан арна” маҳалласига ташриф буюриб, БМТ делегация вакиллари ҳудудда фаолият юритаётган “еттилик” билан яқиндан таништирилди.

Маҳалла биносида яратилган шароитлар, маҳалла ходимларининг аҳоли турмуш даражасини ошириш, инфратузилмани яхшилаш, бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга ошираётган ишлари меҳмонларнинг қизиқишини янада оширди.



Шунингдек, БМТ Тараққиёт дастури амалга оширган лойиҳалар самарадорлиги таҳлил қилинди. Хусусан, маҳалладаги хонадонлардан бирида йўлга қўйилган асаларичилик хўжалиги тажрибасини кенг оммалаштириш бўйича қўрсатмалар берилди. Шунингдек, “Маҳалла сервис компанияси”

Йиғилишда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш, маҳалла даражасидаги амалий лойиҳаларни кўпайтириш бўйича муҳим келишувларга эришилди.

қўрсатаётган хизматлар тўғрисида атрофлича маълумот тақдим этилди. Айниқса, амалга оширилган ишлар ва эришил-

ган натижалар юзасидан ўтказилган тақдирот намойиши тизимдаги самарадорликни яққол кўрсатди.

Вазияти бир мунча оғир саналган Самарқанд вилояти, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд муаммоларни ҳал этиш, “еттилик” ташаббускорлигини ошириш ишлари бажарилди.

Мазкур рейтинг натижалари ҳудудлар ўртасидаги тафовутни яна бир бор тасдиқлайди. Яъни айрим вилоятларда тўғри йўлга қўйилган бошқарув амалиёти юқори натижа бермоқда, бошқа ҳудудларда эса шу тажрибани жорий этиш орқали вазиятни тубдан яхшилаш имконияти мавжуд. Бу эса яна бир муҳим хулосани тақозо этади: муваффақият формуласи мавжуд — уни аниқлаш, тизимлаштириш ва кенг татбиқ этиш энг долзарб вазифага айланмоқда.

ТУМАН ВА ШАҲАРЛАР ДАРАЖАСИДАГИ ТАҲЛИЛЛАР эса янада турлича манзарани намоеён этмоқда. Масалан, **Хўжабод туманида** 39 та маҳалланинг 4 таси “намунали” бўлиб, бирорта ҳам “қоникарсиз” маҳалла йўқ.

Мисол учун, Хўжабод туманидаги “Андижон” маҳалласида бирорта ишсиз фуқаро йўқ, барчасининг бандлиги таъминланган. Шу боис жиноят ва оилавий ажралишдан холи ҳудудга айланган. “Яшил макон” доирасидаги ишлар 101,3 фойизга бажарилиб, 1 530 тул турли хил мевали ва манзарали дарахтлар экилди. “Маҳалла жамғармаси”га 14,2 фойиз тушим таъминланди. Хорижда меҳнат қилаётган 45 нафар фуқаронинг 36 нафари қайтарилди, “еттилик”ка йўналтирилган 10 муаммоли масаланинг барчаси ижобий ҳал этилди.

Ҳудди шундай ижобий ҳолат Қарши шаҳри, Нукус ва Кониমেҳ туманлари, Навоий шаҳри ҳамда Тупроққалъа туманида кузатилади. Ангрэн шаҳри, Нурота, Норин ва Куйи Чирчиқ туманларида ҳам салбий кўрсаткичлар нисбатан паст. Бироқ Жалақудуқ, Ғаллаорол, Яққабоб, Жомбой туманлари, Каттақўрғон шаҳрида маҳаллалар билан ишлашни ривожлантириш зарур.

УМУМИЙ ХУЛОСА ШУКИ, амалиёт иสบотлаган ҳал қилувчи омил битта — бошқарув сифати, масъулият ҳисси ва жойлардаги ташаббускорлик даражасининг юқорилиги. Қайси ҳудудда ушбу уқлик уйғун ишласа, ўша ерда натижа бор. Акс ҳолда эса, энг яхши шароит ва имкониятлар ҳам қутилган самарани бермайди. Шу боис, бугунги кунда эътиборни инфратузилма билан биргалликда инсон капитали, бошқарув маданияти ва жамоавий масъулиятни шакллантиришга қаратиш устувор аҳамият касб этмоқда. Зеро, маҳалланинг ҳақиқий қиёфаси бинолар ёки кўрсаткичларда эмас, балки уни бошқараётган ва унда яшаётган одамлар салоҳиятида намоеён бўлади.

Газетамизнинг навбатдаги саҳифаларида “Топ-100” таликка кирган маҳалла раисларининг “Сизнинг қандай ташаббус ва тажрибангиз бор?” рўкида чоп этилган мақолаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.





Самарқанд шаҳрида 9 гектар майдонда янги ИПАК ЙУЛИ МУЗЕЙИ барпо этилади.



Тошкент шаҳрининг 12 ТА ТУМАНИ аниқ бир саноат ёки хизмат кўрсатиш тармоғига ихтисослаштирилади.



Офицерларга устама миқдори икки барабарга, контракт бўйича хизмат қилаётган оддий аскар ва сержантларнинг ойлик пул таъминоти 10 ФОИЗГА ОШИРИЛАДИ.

2026 ЙИЛ
18 АПРЕЛЬ,
ШАНБА

Mahalla №32

3

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚАНДАЙ ҚИСҚАРТИРДИНГИЗ?

СПОРТ ОИЛАВИЙ
МАШҒУЛОТГА АЙЛАНГАН

ОҚИБАТ ОДАМЛАРНИ БИРДАМЛИККА, ОБОДЛИККА ЧОРЛАБ КЕЛГАН

Маҳалла раиси сифатида фаолият юритаётганимга 16 йилдан ошди. Шу давр ичида раисга бугунгидек кенг ваколат, имконият ва шароитлар яратиб берилганини кўрмаган эдим. Президентимиз ташаббуси билан “маҳалла еттилиги” ташкил этилгач, ҳар бир соҳанинг ўз эгаси пайдо бўлди.

Муяссар ЙЎЛДОШЕВА,
Мирзо Улуғбек туманидаги
“Оқибат” маҳалласи раиси.



Ўзбекистон овози кўчасининг туну кун ишлайдиган туризм масканига айлантирилиши биз учун яна бир имконият бўлди. Биргина ушбу кўча-нинг ўзида эликдан ортиқ тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, тўқсонга яқин янги иш ўрни яратилди.

Бугун қайси маҳаллада “еттилик” ҳам-жихат, ҳамфиқриликда иш юритаётган бўлса, уша маҳаллада ўзгариш бўляпти, аҳоли муаммолари ўз вақтида хал этиляпти. Бунинг акси бўлса, ўша ҳудудда турли гап-сўзлар, муаммоли ҳолатлар кўпаймоқда.

Биз буни яхши англаган ҳолда “маҳалла еттилиги” аъзолари билан бир оила бўлиб, ягона мақсадда ишлаяпмиз. Айниқса, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури асосида янги ташаббусларни ҳаётга татбиқ этилди. Мисол учун, 25 та кўп қаватли уйдан самарали фойдаланиш йўлини топдик. Шу боис тураржойларнинг биринчи қаватида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга эришдик. Камбағаллик рўйхатидаги талабгорларга имтиёзли кредит ажратиб, кафе, ресторан, сартарошхона, кийимларни тозалаш маскани каби турли хил хизмат кўрсатиш соҳалари фаолиятини йўлга қўйдик.

Шунингдек, кичик бизнесни ривожлантириш учун 10 та кўп қаватли уйнинг ертўла қисмидан самарали фойдаланяпмиз. Мисол учун, Лолита Абдусаломова тадбиркорлик қилиш истагини билдирди. Бироқ унга очик майдонда жой йўқлиги боис ертўладан фойдаланишни тақлиф қилдик. Бугун у тадбиркор сифатида миллий либослар дизайни ҳамда сартарошлик бўйича ўқув марказини юртияпти. Бу ерда ўндан зиёд камбағал оилалар вакилларига хунар ўргатяпти. Бу ёшлар 3-4 ойдан сўнг ўз бизнесларини бошлашпти.

Қувонарлиси, олдингидек, турли ташкилотлар ва банкларга хат-хужжат кўтариб, сарсон бўлиб юрганмиш йўқ, барча хизматлар “Рақамили маҳалла” платформаси орқали электрон тарзда амалга ошириляпти. Шу тариқа ёш учари — барча тоифадаги фуқароларнинг муаммоси маҳалланинг ўзида, “еттилик” аъзолари кўмағида тезкор хал этиляпти.

Фарзанд зиёли оилада, миллий кадриятлар руҳида улғайган бўлса, ундан бирор ёмонлик чиқмайди. Шу боис ёшларни илмли, касб-хунарли қилишга, миллий анъаналар асосида тарбиялашга ҳаракат қиляпмиз. Натижалар ёмон эмас, ўқимишли ёшларимиз чет элларда тахсил олиб, нуфузли корхона ва ташкилотларда ишляпти. Шу тариқа камбағалликни қисқартиряпмиз.

Бугун оқибатликларнинг деярли барчаси ўзининг доимий даромад манбаига эга, фарзандлари ўзлари қизиққан илм, спорт ва санъат билан машғул. Бундай одамларга нима керак? Соқин, тинч, обод маскан керак! Шу боис “Обод маҳалла” дастури асосида ҳудудни ободонлаштириб, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида очик майдонларга манзарали ва мевали кўчатлар эдик. Аксарияти соя бериб, мевага кирган.

Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Саломатлик йўлакчалари ташкил этиб, дам олиш ўриндиқлари ҳам ўрнатдик. Ёш учарини оммавий спортга жалб этиш учун 4 та воркаут майдони қўрдик. Болалар учун бешта ўйингоҳ барпо этилди.

Хўлоса қилиб айтганда, “маҳалла еттилиги” ҳар ишга қодир, фақат ташаббус, бирдамлик керак, холос.

Тарбия — шахсий намунадан бошланади. Агар ота-она фарзандини ёнига олиб, спорт билан шуғулланса, бу бола учун энг катта мактаб вазифасини ўтайди. “Оилавий спорт мусобақалари” маҳалламиздаги энг севимли тадбирлардан бирига айланган. Бу нафақат жисмоний чиникиш, шу билан бирга, оилалардаги меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилляпти.

Элёржон Муродовни маҳалламиздагилар футбол мураббийи сифатида яхши танийди. Устозлик мақомига эришган фидойи педагог бир неча йилдан буён болаларга спортнинг нозик сир-асрорларини ўргатиб келяпти. Унинг шогирдлари кўплаб турнир ва мусобақаларда қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритяпти.

Маҳалламизда истиқомат қиладиган Дилмурод Уриновлар оиласининг барча вакили бир неча йилдан буён енгил атлетика билан шуғулланади. Спорт мусобақаларида иштирок этиб, вилоят ва республика миқёсида совринли ўринларни қўлга киритиб келяпти. Уларни доим бошқаларга намуна сифатида кўрсатамиз. Сабаби, жисмоний фаоллик туфайли хонадонда жўшқин ва кувнок кайфият ҳаммаша ҳукмрон.

Шундай хонадонлардан яна бири, Аликул Завқиевлар оиласидир. Улар волейбол, шахмат-шашкага жуда қизиқишади. Кўча-кўйда учрашиб қолсақ, фақат спорт мавзусида сўхбатлашамиз. Маҳалла миқёсида ўтказилдиган беллашувларга катта қизиқиш билан қарайди. Оила бошлиғи жисмоний фаоллик ҳаётига қувонч ва завқ олиб киришини кўп бора таъкидлайди.

Шиддат билан ривожланаётган давр ҳар биримиздан нафақат билим ва кўникма, балки мустаҳкам соғлиқ ва юқори жисмоний фаолликни ҳам талаб этмоқда.

НАФАҚАТ СОҒЛИК ВА КАЙФИЯТ, БАЛКИ ҚАЛБ РИШТАСИ МУСТАҲКАМ БОҒЛНАДИ

Чевархон НАСРУЛЛАЕВА,
Навоий шаҳридаги “Орзу” маҳалласи раиси.

Спорт фақатгина жисмоний машқлар мажмуи эмас, балки одамларни бирлаштирувчи қудратли кучдир. Маҳалладошларимиз ўртасида ўтказилаётган футбол мусобақалари, шахмат турнирлари ҳамда эрталабки бадантарбия машғулоти қўшничилик алоқаларини янада мустаҳкамляпти. Бундай тадбирлар ёшларни зарарли одатлардан йироқлаштириб, уларда жамоавий руҳ ва интизомни шакллантираётгани билан алоҳида эътиборга молик.

Маҳалламизда барпо этилган замонавий “Workout” майдончаси ва пидедалар йўлаги доим спорт иштиёқмандлари билан тўла. 4 705 нафар фуқаронинг 60 фоизга яқини яратиб берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўз саломатлигини мустаҳкамляпти. Фуқаролар кунни 15 дақиқалик енгил машқлар билан бошлаш нафақат кайфиятни кўтариши, балки юрак-қон томир тизими фаолиятини ахшилаб, иш қобилиятини оширишини жуда яхши билди.



Пайшанба — ҳудудимизда кексаларнинг спорт билан шуғулланиш кўни сифатида белгилаб қўйилган. Улар учун барча шароит ҳозирланган. Кўпчилиги шахмат ва шашка ўйнашга қизиқади. Сурункали хасталиқдан азият чекаётганлар пидеда юриш машқларини афзал кўришади. Ўзаро сўхбат ва ҳамроҳликдаги машғулотлар ўртадаги муносабатларни янада мустаҳкамляпти.

Айни йўналишда “еттилик” ходимлари ҳам фаоллик кўрсатиб келяпмиз. Ишдан бўш вақтларда ҳамма ўз қизиқишига кўра, турли спорт машғулотида қатнашади. Шу орқали аҳоли вакиллари ўй-хаёлларига ошно тутинимиз. Шарт-шароитдаги камчиликларни ўрганамиш. Кимга қандай спорт анжуми кераклиги, майдон ҳолати ҳақида тўпланган маълумотлар асосида муаммони қисқа вақт ичида бартараф этишга киришамиз.

Бу жараёнда аҳоли вакиллари ҳам қўл қовуштириб ўтирмайди. Ҳамма имкон даражасида ёрдам бериб, ҳомийлик асосида қўмақлашади. Улар спорт билан дўстлашган инсон касалликдан йироқ бўлиши, ҳаётга тетик кўз билан боқиб ва доимо муваффақиятга интилишини яхши билгани учун бу йўлда йўлдошимизга айланган.

СИЗ ОИЛАНИ ҚАНДАЙ АСРАБ ҚОЛЯПСИЗ?

“Вазият мураккаб бўлса ҳам, вазифани уйдлашга бел боғлаганмиз”

“Қариси бор уйнинг — париси бор”, деган нақлда ҳикмат кўп. Ёши улў инсонларнинг узок йиллик тажрибаси, синовдан ўтган ҳаёт илми маҳалла аҳлининг асосий таянчи, десак муболаға бўлмайди. Айниқса, ёш оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ажралишларнинг олдини олиш борасида бу жуда муҳим аҳамият касб этади.



Оллокул КАРИМОВ,
Пахтаобод туманидаги
“Боггулистон” маҳалласи раиси.

Микки йилдан буён раис лавозимида фаолият юритиб келаётган бўлсам, бу давр ичида нурунийлардан жуда кўп ёрдам олдим. Баъзан жанжаллашиб қолган, узаро келиша олмаётган эр-хотинга

гап уқтириш имконсиз бўлиб қолади. Шундай вақтда уларга маслаҳат бериш, ярашишга ундаш бефойда. Аксинча, ҳаётини мисоллар келтириш, бугунги қарори эртанги кунига қандай таъсир кўрсатишини кўз ўнгига гавдалантира билиш қўтилган натижани бериши аниқ.

Ҳудудимиздаги “Оқила аёллар” ҳаракати ҳамда “Оилавий кадриятларни мустаҳкамлаш” комиссияси аъзолари айни шу ёндашув асосида оилавий ажралишларнинг олдини олишга муносиб хисса қўшапти. Жорий йил бошидан буён ўзаро ҳамкорлик асосида тўртта оилани муроасага келтиришга эришдик.

Бунда, аввало, эр ва хотин билан алоҳида-алоҳида сўхбатлашамиз. Ҳар бирининг руҳий ҳолати ва қалб кечинмаларини ич-ичимиздан хис қилган ҳолда барча дардларини тинглаймиз. Шундан кейин хонадоннинг бошқа аъзоларига қўлоқ тутамиз. Ҳақиқий вазият қисқа вақт ичида кундек равшан бўлади. Муаммо билан баробар унинг ечимини ҳам топилади. Тўғри, бу айтишга осон. Лекин ҳақиқий вазият анча мураккаб. Ёшларнинг турмушига аралашаётган учинчи шахсни инсофга чақириш, укүвсиз келинга зукқолиқдан дарс бериш ёки қувёга оила масъулиятини хис қилишни ўргатиш анча вақт талаб этади.

Қўпдан буён келиша олмаётган бир оила билан ишляпмиз. Эр-хотиннинг арзиманган баҳонадан бошланган жанжали уларни ажрашиш ёқасига олиб келган. Қайнона вафот этган, қайсар келин қайнотанинг сўзига кирмаяпти. Вазият анча чигал бўлишига қарамай, ўртадаги бир нафар гўдакнинг тирик етим бўлиб қолмаслиги учун астойдил ҳаракат қилляпмиз.

Замон шиддат билан ривожланыпти. Айниқса, алоқа воситаларидан фойдаланиш кўрсаткичи аввалгига нисбатан анча ортган. Баъзан бу қурилма оиладаги келишмовчиликларнинг асосий сабабчиси бўлиб қолаётганини ҳам тан олмай иложимиз йўқ. Ижтимоий тармоқларга ортиқча вақт сарфлаш, келиннинг онасига гап қайтариши эркакларга ёқмаслиги табиий. Шу боис оналар қизига бу борада меъёрга риоя қилиши кераклигини уқтириши зарур. Хонадонларни айланганда ҳамда турли учрашув ва тадбирларда айни мавзуга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Зеро, ўз вақтида берилган ўғит эртанги мураккаб вазиятларнинг олдини олишда катта аҳамият касб этади.

“Еттилик” ходимлари янги ҳаёт бўсағасида турган ёшлар билан ишлаш баробарида қайнота ва қайноналарга ҳам керакли тавсияларни бериб боришса, йўл-йўриқ кўрсатишса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

ТОП-100



ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ РЎЙХАТИ



**КАРИМОВ ОЛЛОКУЛ
УСАРКУЛОВИЧ**
Пахтабод тумани
"Боғигулистон" маҳалласи
раиси



**ЗУЛУНОВ
ЭЛМУРОД ИБРОМИВИЧ**
Пахтабод тумани
"Учқўрғон" маҳалласи
раиси



ОЛТМИШЕВ НИЗОМЖОН
Жиззах шаҳри
"Нурлибод" маҳалласи
раиси



**ХУДОЙБЕРДИЕВ
МУСТАФОКУЛ
КУНИШЕВИЧ**
Бахмал тумани
"Ватанпарвар" маҳалласи
раиси



**ТОЖИБОЕВ ЭЛЁС
УРОЛ УЎЛИ**
Жиззах шаҳри
"Сайхон" маҳалласи
раиси



**БОБОЕВ
ШОДИЁР ТУРДИБОЕВИЧ**
Зомин тумани
"Ширин" маҳалласи
раиси



**ОРЗИҚУЛОВ БАХРОМ
ЛАПАСОВИЧ**
Жиззах шаҳри
"Боғишамол" маҳалласи
раиси



**НОРҚЎЗИЕВ
ДИЛШОД НОРБЕКОВИЧ**
Жиззах шаҳри
"Дўстлик" маҳалласи
раиси



**МАМАТКАРИМОВ ФАЙРАТ
АБДУҚОДИРОВИЧ**
Зомин тумани
"Бунёдкор" маҳалласи
раиси



**ЖАЙЛАВОВ
НАЗИРҚУЛ ЮЛДАШЕВИЧ**
Зомин тумани
"Фаллакор" маҳалласи
раиси



**ҚОРАБЕКОВА САНЛАЛАТ
НИШАНОВНА**
Зомин тумани
"Ёшлик" маҳалласи
раиси



**КАРИМОВА ЗАРИФА
ТИРКАШЕВНА**
Шароф Рашидов тумани
"Яхтанлик" маҳалласи
раиси



**НЕГМАТОВА ДИЛАФРЎЗ
ТУХТАЕВНА**
Қарши шаҳри
"Худйозод" маҳалласи
раиси



**ТЎРАЕВ РУСТАМ
КАРИМБЕКОВИЧ**
Амударё тумани
Бўз ёп ОФЙ
раиси



**ОТАЖАНОВ ДАВЛАТБОЙ
СОБИРОВИЧ**
Амударё тумани
Хитой ОФЙ раиси



**УТЕНИЯЗОВ РУСЛАН
ДАУЛЕТБАЕВИЧ**
Қораўзақ тумани
Койбак ОФЙ раиси



**ХОНИЯЗОВ БАХРОМ
БАЗАРБАЕВИЧ**
Элликқалъа тумани
Ибн Сино номидаги
маҳалла раиси



**РАЖАБОВ СУННАТИЛЛО
ҚИЛИЧОВИЧ**
Навбахор тумани
"Янги ҳаёт" маҳалласи
раиси



**НАСРУЛЛАЕВА ЧЕВАРХОН
АЗАМАТОВНА**
Навоий шаҳри
"Орозу" маҳалласи
раиси



**ТАШАНОВ БУНЁД
САФАРБЕКОВИЧ**
Навбахор тумани
"Қизилработ" маҳалласи
раиси



**ШАРИПОВ ТОШПЎЛАТ
ШАВКАТОВИЧ**
Қизилтепа тумани
"Арабхона" маҳалласи
раиси



**ТИШАЕВ ОТАБЕК
ИРГАШЕВИЧ**
Навоий шаҳри
"Турон" маҳалласи
раиси



**САНГАРАЕВ НУРГАЛИ
ИБОДУЛЛАЕВИЧ**
Навоий шаҳри
"Ақтов" маҳалласи
раиси



**МАНСУРОВ ЗОХИР
РАВШАНОВИЧ**
Навоий шаҳри
"Меъмор" маҳалласи
раиси



**ЖАЛФАСБАЕВ АЙТУАР
НУРХАНОВИЧ**
Учқудук тумани
"Қукаяз" маҳалласи
раиси



**РЎЗИМУРДОВА ХИЛОЛА
ИСОМИДДИНОВА**
Навоий шаҳри
"Зиёкор" маҳалласи
раиси



**ЮЛДОШОВ ОТАБЕК
ХУДОЙБЕРДИЕВИЧ**
Навбахор тумани
"Келачи" маҳалласи
раиси



**ТАШЕВА ЗИЛОЛА
ЗОКИРОВНА**
Навоий шаҳри
"Чинор" маҳалласи
раиси



**ПАЙЗИЕВ ХУСНИДДИН
ЯРМАТОВИЧ**
Навбахор тумани
"Совунгар" маҳалласи
раиси



**БЕРДИҚУЛОВ АЗИМЖОН
ЮСУПОВИЧ**
Кармана тумани
"Ҳазора" маҳалласи
раиси



**НАМОЗОВ УМИДЖОН
ҒУЛОМОВИЧ**
Навбахор тумани
"Қизилюк" маҳалласи
раиси



**МУРТАЗАЕВ ФАРХОД
ИСМОИЛОВИЧ**
Навбахор тумани
"Ҳаловаттепа" маҳалласи
раиси



**СУЛЕЙМЕНОВ МАРАТБЕК
ЖУЛАЕВИЧ**
Томди тумани
"Аяққудук" маҳалласи
раиси



**ЭРГАШЕВ АХРОР
ЮСУПОВИЧ**
Навбахор тумани
"Навбахор" маҳалласи
раиси



**РАҲИМҚУЛОВ НОДИР
ИСРОИЛОВИЧ**
Нурота тумани
"Қадоқ" маҳалласи
раиси



**АБДИКАЗИЕВ ИГИЛИК
АБДИКАППАРОВИЧ**
Учқудук тумани
"Бозду" маҳалласи
раиси



**ШАМСИЕВ ОЙБЕК
АБЛОҚУЛОВИЧ**
Навоий шаҳри
"Олтин Водий" маҳалласи
раиси



**САРСЕНБАЕВА КЛАРА
ДУЙСЕНОВНА**
Конимех тумани
"Қўқча" маҳалласи
раиси



**КАПАШОВ МАЛТАН
БЕГЕЕВИЧ**
Томди тумани
"Шиели" маҳалласи
раиси



**ҲАСАНОВ МУЗАФФАР
НОСИРОВИЧ**
Навбахор тумани
"Тошработ" маҳалласи
раиси



**ПАРМОНОВА МАҚСУДА
МАМАДАЛИЕВНА**
Зарафшон шаҳри
"Даугизтау" маҳалласи
раиси



**СОБИРОВ НАБИ
ИСМОИЛОВИЧ**
Қизилтепа тумани
"Ўзбекистон" маҳалласи
раиси



**ҚЎЧҚОРОВ СИРОЖИДДИН
ЖАЛОЛДИНОВИЧ**
Норин тумани
"Қурама" маҳалласи
раиси



**МАҲМУДОВА ГУЛБАХОР
МИРЗАЕВНА**
Норин тумани
"Кемабоши" маҳалласи
раиси



ТЎРАЕВ ШУХРАТ
Чортоқ тумани
"Тинчлик" маҳалласи
раиси



**МАҲМУДОВ ЭЛЁР
ШАРИПОВИЧ**
Чуст тумани
"Янги ҳаёт" маҳалласи
раиси



**ПОШАЕВ НИЗОМИДДИН
ЯХЕЕВИЧ**
Чортоқ тумани
"Боғистон" маҳалласи
раиси



**ИМОМҚУЛОВ ЖАХОНГИР
ХОЛМАТОВИЧ**
Норин тумани
"Сузоқовул" маҳалласи
раиси



**ДАДАБОЕВ ЁДГОРЖОН
ҒУЛОМЖОНОВИЧ**
Норин тумани
"Катта Ўлмас" маҳалласи
раиси



**ЖЎРАЕВ ОЗОДБОЙ
НИЗОМИДДИНОВИЧ**
Мингбулоқ тумани
"Ингичка" маҳалласи
раиси



ЭНГ НАМУНАЛИ МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ РЎЙХАТИ

ТОП-100



НИШОНОВ ОТАБЕК НЕЪМАТОВИЧ
Норин тумани
"Мирсултончек" маҳалласи раиси



ИБРАГИМОВ АЛИШЕР ТУХТАБОЕВИЧ
Чуст тумани
"Янги Боғишамол" маҳалласи раиси



АБДУСАТТОРОВ ЖАСУР АБДУМАННОН ҲАЛИ
Мингбулок тумани
"Қозоқовул" маҳалласи раиси



НУРИДДИНОВ ДИЛШОДЖОН УСМОҲОВИЧ
Косонсой тумани
"Бог" маҳалласи раиси



ОТАБОЕВ МАНСУР МУРТАЗАЕВИЧ
Иштихон тумани
"Йўғонтепа" маҳалласи раиси



ТОҒАЕВ АКБАР РУЗИМУРОДОВИЧ
Пастдарғом тумани
"Баҳор" маҳалласи раиси



РУСТАМОВ ОТАБЕК АЛИМОВИЧ
Пастдарғом тумани
"Қатортерек" маҳалласи раиси



ЖЎРАЕВ МАВЛОН МЕНГЛИМУРАТОВИЧ
Узун тумани
"Ўрмончи" маҳалласи раиси



ЭШМАТОВ УТКИР МЕНГБАЕВИЧ
Узун тумани
"Жийдабулок" маҳалласи раиси



ЧОРИЕВ АБДУРАҲМОН ТОШТУРДИЕВИЧ
Олтинсой тумани
"Баркамол авлод" маҳалласи раиси



РУСТАМОВ АЛИШЕР ШЕРАЛИЕВИЧ
Бўстонлиқ тумани
"Янгиқўрғон" маҳалласи раиси



ЗОКИРОВА ГУЛЧЕҲРА ХАЙТБАЕВНА
Ангрэн шаҳри
Фафур Фулом номидаги маҳалла раиси



АНВАРОВА РАЪНО ШАРИПОВНА
Зангиота тумани
"Илғор" маҳалласи раиси



ИСЛОМОВ ИБРОҲИМ АБДУРАҲИМОВИЧ
Ўртачирчиқ тумани
"Чангтепа" маҳалласи раиси



МЕНГЛИЕВА ИХТИБОР МАҲМУДАЛИЕВНА
Ангрэн шаҳри
"Майдон" маҳалласи раиси



ЭРҒАШЕВ АБДУРАҲАД АБДУРАСУЛОВИЧ
Куйиқирчиқ тумани
"Юлдуз" маҳалласи раиси



ҲАМИДУЛЛАЕВ ШУКРИЛЛА УБАЙДУЛЛАЕВИЧ
Зангиота тумани
"Бодомзор" маҳалласи раиси



ОХУНОВА ХОЛИДА БЕКМУРОВНА
Зангиота тумани
"Далагузар" маҳалласи раиси



СИНДАРОВ ШАРОФ РАШИДОВИЧ
Чиноз тумани
Амир Темура номидаги маҳалла раиси



УСМОҲОВА ЯЙРА ОНГАРОВНА
Куйи Чирчиқ тумани
"Галаботир" маҳалласи раиси



ҒИЁСОВ ХАФИЗУЛЛО АЛИМЖОНОВИЧ
Янгийўл шаҳри
"Богбон" маҳалласи раиси



ПАНЖИЕВ МУҲТОР УРАЛОВИЧ
Бўстонлиқ тумани
"Бунёдкор" маҳалласи раиси



ЭРНАЗАРОВ БАХТИЁР ЮРСУНАЛИЕВИЧ
Чиноз тумани
"Маданият" маҳалласи раиси



АБДУРАҲМОНОВ АБДУРАҲИМ АБДУРАҲИМОВИЧ
Ангрэн шаҳри
"Янгиҳаёт" маҳалласи раиси



ХОЛИҚОВА АМОНА МУҲАММЕДЖАНОВНА
Куйи Чирчиқ тумани
"Мингчирчиқ" маҳалласи раиси



МАҲАНОВ ЭРКИНБЕК АМИРБЕКОВИЧ
Янгийўл тумани
"Янгийўл" маҳалласи раиси



ХАЛИЛОВ ИСРОИЛ ИСМОИЛОВИЧ
Зангиота тумани
"Тарик-тешар" маҳалласи раиси



КАРИМОВ ФОЗИЛЖОН АЛИМОВИЧ
Чиноз тумани
"Пахтабод" маҳалласи раиси



СЕРИКБАЕВ АНВАР САРВАРОВИЧ
Чиноз тумани
"Каналобод" маҳалласи раиси



АБДУЛЛАЕВ АВАЗ БҒРИЕВИЧ
Тошкент тумани
"Чувалачи" маҳалласи раиси



ҚОРАБОЕВ ЗАХИДИЛЛА АБДУЛЛАЕВИЧ
Тошкент тумани
"Мустақиллик" маҳалласи раиси



БОЛТАБОЕВ ШУҲРАТ НЕЪМАТОВИЧ
Юнусобод тумани
"Регистон" маҳалласи раиси



АҲМЕДОВ МАННОБЖОН АҲМЕДОВИЧ
Миробод тумани
"Лолазор" маҳалласи раиси



ЮЛДАШЕВА МУЯССАР ТОИРОВНА
Мирзо Улуғбек тумани
"Оқибат" маҳалласи раиси



ЮЛДАШЕВА ЁДГОРХОН ҒИЁСИДДИНОВНА
Қува тумани
"Ифтихор" маҳалласи раиси



ЧЎЛПОНОВ НУРМАТЖОН НУРИДДИНОВИЧ
Қўштепа тумани
"Халқобод" маҳалласи раиси



ЭРҒАШЕВ АРАББОЙ ЁҚУБОВИЧ
Қўштепа тумани
"Деҳқонобод" маҳалласи раиси



ЭРҒАШЕВ ЁҚУБЖОН АБДУРАҲИМОВИЧ
Бешариқ тумани
"Эшон" маҳалласи раиси



ЖЎРАЕВ ВОҲИДЖОН ЁҚУБОВИЧ
Данғара тумани
"Қизилмушт" маҳалласи раиси



ҒОЙНАЗАРОВ ОМОНЖОН ИСРОИЛОВИЧ
Қува тумани
"Найман" маҳалласи раиси



АБДУКАРИМОВА ЗУЛФИЯ АБДУЛЛАЕВНА
Урганч шаҳри
"Олма бог" маҳалласи раиси



ЖУМАНИЯЗОВ ЭРНАЗАРОВ ХУДАРҒАНОВИЧ
Хива шаҳри
"Гулшан-2" маҳалласи раиси



ШАРИПОВА НАРГИЗА УМИДОВНА
Урганч шаҳри
"Жинговуз" маҳалласи раиси



МАТЧАНОВ КАМОЛИДДИН ҚУЧҚОРОВИЧ
Қўшқўпир тумани
"Маданият" маҳалласи раиси



БОБОЖОНОВ БАҲОДИР ШЕРОВИЧ
Тупроққалъа тумани
"Тупроққалъа маскани" маҳалласи раиси



МАТЯҚУБОВА УМИДА АТАБАЕВНА
Хива шаҳри
"Гиламчи" маҳалласи раиси



МАШАРИПОВ МАТЯҚУБ САДУЛЛАЕВИЧ
Хива шаҳри
"Ангарик" маҳалласи раиси



САПАЕВ УМИДБЕК ЖУМАНИЯЗОВИЧ
Урганч шаҳри
"Гулшан" маҳалласи раиси



БОБОЖОНОВА САНОБАР СУЛТОНМУРАТОВНА
Хива шаҳри
"Янги ҳаёт" маҳалласи раиси



ҚУЧҚОРОВА РУЗИГУЛ САБИРОВНА
Урганч шаҳри
"Дустлик" маҳалласи раиси



Хукумат қарори билан педагогларга айрим давлат хизматларини кўрсатишда 50 ФОИЗ ЧЕГИРМА БЕРИЛАДИ.



Ўзбекистонлик 800 нафар ўрта тиббиёт ходими Globogate дастури доирасида Германия клиникаларига ИШГА ТАКЛИФ ЭТИЛМОҚДА.



Ўзбекистонда Қозоғистон билан ҳамкорликда ВЕНЧУР ФОНДИ ташкил этилади.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

БАНДЛИК БАРҲАМ ТОПАЙМИ?

“Бизда банд бўлмаган бирорта оила қолмаган...”



Кунда-кунора маҳалламизга меҳмонлар ташрифи кузатилади. Ҳамкасблар, турли корхона ва ташкилот вакиллари шароит билан танишади. “Бизда банд бўлмаган бирорта оила қолмаган, ҳамма ишли, бекор юрганлар йўқ”, десам, бу гапимдан ҳайратланишади. Ишонмай, бир-иккита ҳовлига кириб-чиқишади. У ердаги манзарани ўз кўзлари билан кўргач, одамлар билан суҳбатлашгач, буни ҳақиқатлигига ишонишади. Ютуқлар сири нимадалиги билан қизиқишади.



“Драйвер” — деҳқончилик ва чорвачилик бўлса-да, кўшимча, янги даромад манбалари топилапти.



Тахлилларга эътибор берсақ, йил бошида 55 нафар ишсиз рўйхатга олинган эди. Бугунги кунга келиб, деярли барчасининг бандлиги таъминланди. Уларга имтиёзли кредит ажратилди, ссуда орқали турли асбоб-ускуналар бердик. Кечагина бировнинг қўлига қараб, маҳалладан ёрдам сўраб турган фуқаролар бугун тадбиркорга айланди. Мисол учун, Шерзодбек Абдулхамидов паррандачиликка қизиқарди. Аммо маблағ йўқлигидан имконияти чекланганди. Унга имтиёзли кредит ажратилгач, шу йўналишда ўзини ўзи банд қилди. Шунингдек, томорқадан самарали фойдаланиб, 480 дан ортиқ хонадонда оилавий деҳқончилик йўлга қўйилди. 30 дан зиёд замонавий иссиқхоналарда йил бўйи ҳосил етиштирилаётгани киши ҳавасини келтиради. Масалан, Аббор Ғафуров йил давомида 5 тоннадан ортиқ ҳосилни бозорга чиқаряпти. Турмуш ўртоғи билан биргаликда, 80 миллион сўм даромад топяпти. Кўшимчасига 3 бош қорамол парваришляпти. Буларнинг барчаси оила бюджетига миллион-миллион сўмлик даромад олиб келяпти.

Етакчи тадбиркор Олимжон Ашуров хизмат кўрсатиш йўналишида иш олиб боради. “Еттилик” ташаббуси билан фаолиятини кенгайтиришга қўмақлашди. Йилнинг иккинчи чорагида лойиҳа тулик ишга тушса, 10 та янги иш ўрни пайдо бўлади.

Дарҳақиқат, бугун олма пиш, оғзимга туш, қабилида ишлаш ярамайди. Интилган, изланган маррани баланд олади. Биз ҳам шу тарзда иш ташкил этилапти. Ахир шунча имконият ва ваколат берилганда, яна кимдандир ёрдам кутиб ўтириш ислохотлар ривожига салбий таъсир кўрсатади.

ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА

“Нурлибод” маҳалласи жорий йилнинг биринчи чорак якунлари бўйича Жиззах вилоятидаги “Энг намунали” маҳалла деб топилди.

МАҚСАД АНИҚ БЎЛСА, НАТИЖАЛАР ҚУВОНАРЛИ БЎЛАДИ



Низом ОЛТМИШЕВ, Жиззах шаҳридаги “Нурлибод” маҳалласи раиси.

Тажрибамиздан маълумки, жиноятчиликнинг охири вой эканини англаб етган ҳар бир фуқаро ҳуқуқбузарликка қўл урмайди. Шу боис оилаларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш учун оғоҳликка чорловчи махсус қўлланмалар беряпмиз. Шунингдек, ёшларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, умумтаълим мактабининг спорт залида қўл түпи (гандбол), бокс, шахмат, шашка тўғараклари йўлга қўйилди.

Ўш, бизнинг маҳалла ушбу кўрсаткичлар бўйича вилоятдаги 304 та маҳалланинг орасидан қандай қилиб, энг юқори — 94,3 балли қўлга киритди? Аввало, бу — маҳалла еттилиги аъзолари ўртасидаги аҳиллик, ҳамкорлик маҳсулидир. Ҳар бир “еттилик”нинг иши аниқ режа ва тизимли йўлга қўйилган. Шу боис ҳар бир муаммо ўз вақтида ўрганилиб, манзилли ҳал этиляпти. Мақсад аниқ бўлса, натижалар қувонарли бўлади. Бугунги ютуғимизнинг бир қисми — жиноятчиликнинг олдини олишдаги ўзига хос иш тажрибамиз натижасидир.

Жиноятчиликка етакловчи бош сабаб нима? Албатта, оиладаги муҳит ва тарбиядир. Шу боис ҳар чорак бошида “маҳалла еттилиги” ва нурунийлар иштирокида хонадонма-хонадон юриб, оилаларнинг ижтимоий-маънавий муҳитини ўрганамиз. Муаммоли масалалар бўлса, “еттилик” кўмагида ҳал этамиз. Тарбияси ва юриш-туришида бироз оқсоқлик кузатилса, ҳаётини тажрибага эга нурунийларимиз ўша оила аъзоларига маслаҳат бериб, йўл-йўриқ кўрсатади. Профилактика инспекторимиз — Муҳаммадали Равайн жиноятчиликнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтиради.

Натижалар қувонарли. Беш нафар қизимиз — Зуҳра Ҳайдарова, Солиха Абдуғафорова, Жозита Тоштемирова, Гавҳар Муродуллаева, Покиза Муҳаммадова гандбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси таркибида ўйнаяпти. Ўзбекистон чемпиони — Улуғбек Абдуғафоров бокс бўйича миллий терма жамоаси аъзоси. Энг катта ютуғимиз — Қаромат Қосимова жорий йил Дубайда ўтказилган Паралимпия бўйича жаҳон чемпионатида кумуш медални қўлга киритди. Бугун маҳалламиздаги тўрт юз нафар ёш ана шу чемпионларга ҳавас қилиб, турли спорт ва фан тўғаракларига қатнаб, ўз устида ишлашмоқда.

Ишсизлик — жиноятка етакловчи бош омилардан бири. Шу боис меҳнатга лаёқатли ҳар бир фуқаронинг бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Ўтган йили 33 нафар ишсиз фуқарони ишли қилган бўлса, жорий йил ҳисобида 19 нафар фуқаронинг ҳаммаси ишлаб чиқариш корхоналарида доимий иш ўрнига эга бўлди.

“ЯШИЛ МАКОН” УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ

ҲАР БИР ЯПРОҚ, ҲАР БИР ДАРАХТДА КЕЛАЖАККА ИШОНЧ МУЖАССАМ

Бугунги кунда глобал иқлим ўзгариши ва экологик муаммолар ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бормоқда. Бундай шароитда юртимизда кенг қулоч ёйган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси нафақат табиатни асраш, балки аҳоли саломатлигини тиклаш ва маҳалламиз файзини оширишга хизмат қилмоқда.

Мавлон ЖўРАЕВ, Узун туманидаги “Ўрмончи” маҳалласи раиси.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бир туп дарaxт йилига 120 килограммгача кислород ишлаб чиқаради ва ҳаводаги чанг-ғуборни ютади. Боғу роғлар ёзнинг жазирама кунларида ҳароратни 4-5 даражагача пасайтириб, табиий салқинлик беради. Яшил майдон ва гулзорлар маҳаллага ўзгача чирой бағишлаб, кишига руҳий ором бахш этади.

Дарaxт экиш — аждодларимиздан қолган эзгу анъана. “Яхшидан боғ қолади”, деган нақл бежизга айтилмаган. Аҳоли вакиллари билан бир ёқадан бош қилиб, ҳашар йўли билан кўчат экиши экология ва

ижтимоий бирдамликни янада мустаҳкамляпти. Маҳалламиз тоғли ҳудудда жойлашгани боис, кўчат турини танлашга алоҳида эътибор қаратамиз. Иқлим шароитимизда писта, тут, аччиқ ва ширин бодом каби мевалар яхши ҳосил беради. Манзарали дарaxтлардан кайрағоч кўп экилади. Шу ёндашув асосида жорий йил бошидан буён 6 минг тупдан кўпроқ ниҳолни ерга қадаб, парваришлаб келяпмиз.

Аҳоли орасида табиатга меҳр уйғотиш, меҳнатсеварлик фазилатларини шакллантириш мақсадида Ижтимоий реестрга киритилган хонадон вакиллари 20 тупдан мевали дарaxт тарқатилди. Улар берилган бу имкониятдан унумли фойдаланиб, томорқасидаги ниҳолларни бошқача меҳр билан ўстирапти.



Дарaxт экиш — ишнинг ярми холос. Энг муҳими, уни кўкартириш. Бу ишда маҳалламизнинг кўп йиллик тажрибага эга уста боғбонларнинг маслаҳатига амал қилиб, кам бўлмаяпмиз. Дилмурод Қодиров шундай фидойи кишилардан бири. У кўрсатган йўл-йўриқлар янги ниҳолларни тўғри сўғориш, ўғитлаш ва шакл беришда бизга жуда асқатаяпти.

Худудимизда бир неча йилдан буён каврак доривор ўсимлиги ўстириляпти. Махсулот, асосан, экспортга йўналтирилиб, шамоллаш ва оғриқ қолдирувчи малҳам ишлаб чиқариляпти.

Аҳоли орасида мазкур йўналишга қизиқиш билдираётганлар сони тобора ортиб борапти. Келгуси йилдан экин майдонларини янада кенгайтирмоқчимиз. Бундан ташқари,

хандон пистанинг ҳосилдорлиги юқори бўлгани учун хонадонларга шу дарaxтни экиш тавсия этиляпти.

Ўзбек аёли ҳақида гап кетганда, доим кўз ўнгимда рўмонлининг четига райхон қистириб олган қиёфа гавдаланади. Болалигимиздан бувиларимизнинг ҳовли четларига гул уруғларини селиб, алоҳида эътибор билан ишлов бергани ҳали ҳамон эсимда. Шу қадимий анъанани муносиб тарзда давом эттиратган опа-сингилларимиз уйига кирсангиз, табиат гўзалликлари билан қўнғиз қувнайди.

Маҳаллани яшил маконга айлантириш фақатгина давлат дастури эмас, бу — барчамизнинг зиммамиздаги инсоний бурчи демак. Келинг, хонадонингиздан кўчат экайлик! Зеро, ҳар бир дарaxтда халқнинг келажак умиди ва ишончи мажассам.



Фуқароларнинг осойишталиги ва тинчлигини таъминлаш учун барча кўчаларга замонавий видеокузатув қурilmалари ўрнатилиб, профилактика инспекторининг хизмат хонаси ҳамда ички ишлар бўлимига интеграция қилинди. Бирор ҳақиқат турмаси босилса, ҳуқуқтартибот ходимлари айтилган манзилга тезкор етиб бориб, ҳар қандай жиноятчиликнинг олдини олишга қодир.

Кўриб турганингиздек, “маҳалла еттилиги” иштирокида амалга оширилаётган ҳар бир иш жараёни жиноятчиликни жиловлашга қаратилган. Шу боис беш йилдан буён жиноятдан холи ҳудуд — “яшил” тоифадамиз.



Ўзбекистонда чет эл капитали иштирокидаги корхоналар сони 19 МИНГТАДАН ОШДИ.



Вазирлар Маҳкамаси қарори билан “Янги Ўзбекистон” университетиди “РЕКТОРЛАР МАКТАБИ” дастури йўлга қўйилади.



Меҳнат ва дам олиш режимини бузганлиги учун ЖАВОБГАРЛИК ЧОРАЛАРИ КУЧАЙТИРИЛАДИ.

2026 йил
18 АПРЕЛЬ,
ШАНБА

Mahalla №32

7

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

АҲОЛИ МУРОЖААТИ ЭЪТИБОРДА

“Еттилик”да ечилмаган муаммолар йўқ

“Ҳар бир инсон ва хонадон муаммосини билиб, вақтида кўмак беришим керак, деган шиор барча даражадаги раҳбарлар фаолиятида бош қоида бўлиши шарт”. Давлат раҳбарининг ушбу тамойили маҳалламизда фуқаролар мурожаати билан ишлашда устувор аҳамият касб этапти.

Дилафрўз НЕЪМАТОВА,
Қарши шаҳридаги “Худойзод” маҳалласи раиси.



Бу жараёнда асосий эътиборни “Инсон кадрлари учун” деган тамойилни тўла рўёбга чиқаришга қаратганмиз. Яъни фуқаролар мурожаатларини тинглаш ва муаммоларга биргаликда ечим топиш, ҳуқуқий ёрдам бериш, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш орқали бугундан рози бўлиб яшашига, эртанги кунига ишончи мустаҳкамлашига эришяпмиз.

Дарҳақиқат, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири, унинг дарди ва умиди турибди. Шу боис уни вақтида кўриб чиқиш, жойи-

да ҳал этиш муҳим. “Еттилик” ҳодимлари мана шу мезон асосида иш юртияпти. Фақат ариза қабул қиладиган идора эмас, балки ҳар бир аризани таҳлил этиб, уларнинг сабабини аниқлайдиган ва тегишли идоралар билан биргаликда ечим таклиф қиладиган марказга айландик.

Ҳар ойнинг иккинчи шанба кунини “маҳалла еттилиги” ва соҳа масъуллари бир кун давомида аҳоли мурожаатларини ўрганиши аъёна тусини олган. Натижалар маҳалла телеграм каналда эълон қилиб бориляпти. Сайёр қабуллар ҳам бу борада қўл келяпти.

Таҳлилларга эътибор қаратсак, жорий йилнинг биринчи чорагида жами 41 та мурожаат келиб тушди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 фоиз кам, дегани. Уларнинг аксарияти ижтимоий масалаларда бўлиб, асосан, ичимлик сув, йўл, кредит ажратиш бўйича ёрдам сўралган. Бирорта мурожаат эътиборсиз қолмади. Барчаси ижобий ҳал этилди.

ЭНГ ФАОЛ “МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ”

“ФАҚАТ МУРОЖААТЛАР БИЛАН ЧЕКЛАНИБ ҚОЛМАЯПМИЗ”

Сўнгги йилларда юртимизда аҳолининг оғирини енгил қилиш, уларни қийнаётган масалаларга ечим топиш бўйича янгича — вазир ва ҳокимлар маҳалла даражасида ишлайдиган тизим яратилди.

Гулчехра
ЗОКИРОВА,
Ангрен
шаҳридаги
Ғафур Ғулом
номидаги
маҳалла раиси.



Таҳлилларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган йили “маҳалла еттилиги”га йўналтирилган 300 дан ортиқ муаммоли масалаларнинг 80 фоиздан ортигини ижобий ҳал этдик. Мурожаатларнинг аксарияти бола пули, моддий ёрдам, бандлик ва ишсизлик масаласида бўлган. Уларнинг 20 фоизини маҳалланинг ўзида ҳал этишимиз мумкин эди. Бироқ фуқаролар “маҳалла еттилиги”га мурожаат қилмасдан, юқори турувчи ташкилотларга ёзишган.

Мисол учун, Шаҳло Юсупова бола пули олиш учун маҳалламиздаги ижтимоий ходимга эмас, Ангрен шаҳар “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига мурожаат қилган. Ушбу мурожаат “маҳалла еттилиги” ва тегишли ташкилотлар вакиллари иштирокида ўрганилганда, унинг оилавий ҳолати белгиланган талаб ва мезонларга тўғри келмаслиги аниқланди. Асосийси, бу оиланинг расмий иши, ўз уйи, 12 сотих томорқа ери, машинаси бор. Маълум бўлишича, ижтимоий ходим ушбу аёлга оилавий ҳолати ахши бўлгани учун бола пули олиш мезонларга тўғри келмаслигини тушунтирган.

Бугун маҳалланинг ўзида, “еттилик” ваколати доирасида ҳал этилаётган мурожаатлар кўп. Масалан, яқинда икки нафар воёга етмаган фарзанднинг онаси — Муниса онкология касаллигига чалинди. У даволаниш учун маблағ сўраб, бизга мурожаат қилди. Маслаҳатлашиб, Рамазон ойида фуқароларнинг эҳсонларини шу кишига йўналтирдик. Натijaда 10 миллион сўмдан ортиқ маблағ йиғилди.



Эътиборлиси, фақат кўтарилган масалани ҳал қилиш билан чекланиб қолмаяпмиз, турли ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳар бир ариза ва шикоятни чуқур таҳлил қилиб, муаммонинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, мурожаатларга олиб келаётган омилларни аниқлаб, уларни камайтириш йўллариини излаяпмиз. Натижалар кўвонарли. Жорий йилнинг биринчи чорагида келиб тушган 80 дан ортиқ мурожаатнинг барчаси ижобий ҳал этилди.

Бугун биз нафақат фуқароларнинг, балки маҳалла ҳаётига дахлдор ҳар қандай масалани раҳбарлар, ҳокимлар, маҳаллий Кенгашлар олдида дангал қўя оляпмиз. Худуддаги муаммолар бўйича Кенгашларга таклиф қилинаётган, маҳаллага

Маҳалламиз ҳар томонлама қулай ҳудудда жойлашган. Яқин атрофимизда “Ангрен” эркин иқтисодий зонаси, “Биринчи резинотехника заводи”, “Янги Ангрен” ИЭС, кафел, ун, ёғ ишлаб чиқарадиган кўплаб йирик корхона ва заводлар жойлашган. Шу боис иш сўраган фуқароларни ушбу корхоналарга ишга жойлаштиряпмиз. Аксарият хотин-қизларга имтиёзли кредит бериб, пиширик ва тикувчилик цехларини ташкил этишга кўмаклашяпмиз. Шунингдек, ўзини ўзи банд қилиб, томорқасида помидор, бақлажон, булғор қалампир, гулрайҳон кўчатларини етиштиряётган фуқаролар ҳам бор. Энг муҳими, ишсизликдан холи ҳудудга айланганмиз.

оид қарорлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишда иштирок этапмиз. Бир сўз билан айтганда, муаммога ечим топмагунча ҳаракатдан тўхтамаяпмиз.

Кўвонарлиси, 15 йилдан буён маҳалла тизимида ишлайман, лекин бугунгидек маҳаллага ҳам, фуқароларга ҳам бунчалик катта эътибор қаратилмаган. Авваллари аёл бошим билан кечаси кўмир омборларда навбатда туриб, фуқароларга кўмир олардим. Бугун хонадонлар газлашди, ичимлик сув тортилди, йўллар асфальтланди. Бир сўз билан айтганда, маҳалламиз обод, фуқароларимиз фаровон турмуш кечиряпти. Бу борада маҳалла давлат ва халқ ўртасида кўприк вазифасини ўтаётгани муҳим аҳамият касб этапти.

ХАВФСИЗ МИГРАЦИЯ

“Хорижда топилмаган ҳаловат ва хотиржамлик уйимда экан...”

...Тадбиркор Ҳамиджон Аҳмадалиев “Мусофир бўлмагунча мусулмон бўлмайсан”, деган мақолни тез-тез такрорлайди. Чунки ўзи мусофирликнинг қаттиқ нонини еб, кўп қийинчилик кўрди. Узоқ йиллар чет элда ишлаб, не-не машаққатни бошидан ўтказмади. Ниҳоят, 2025 йилда “еттилик” ташаббуси билан уни Ватанга қайтардик. Кечагина мусофирлик машаққатидан, яқинлар соғинчидан қалби эзилган йигит, бугун йирик тадбиркор. Ҳозир қўл остида 6 нафар ишчи бор.

Омонжон ҒАЙНАЗАРОВ,
Қува туманидаги “Найман” маҳалласи раиси.

Маҳалламизда бу каби тақдирлар кам эмас. Уларни бир жиҳат бирлаштирадими. Яъни, хорижда меҳнат қиладиган ва оғир аҳволга тушиб қолганлар энди давлатнинг алоҳида эътиборида. Чунки фуқароларни чет элда ишлашга тартибли ва хавфсиз жўнатиш, юртимизга қайтганларнинг бандлигини таъминлаш муҳим вазифага айланди.

“Хорижда иш — маҳалладан” тамойили асосида етарли малакаси бўлмаган фуқароларни касб-хунарга қўшимча ўқитяпмиз, хориждаги иш бевурачилар талабига қараб мақсадли тайёрляпмиз. Меҳнат миграциясидан қайтган фуқароларга алоҳида эътибор бериляпти. “Сайхунобод тажрибаси” асосида томорқада маҳсулот етиштириш, тадбиркорлигини бошлашига ташкилий-молиявий кўмаклашяпмиз.



Дарҳақиқат, бир кишининг оғирини енгил қилиш, ҳаётига мазмун бағишлаш катта иш. Негаки, ҳар бир фуқаро жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси саналиб, муносиб яшашга ҳақли. Шу боис “еттилик” ҳамкорлигида миграциядаги фуқаролар билан доимий алоқа ўрнатганмиз.

2025 йилда 184 нафар фуқаро хорижда меҳнат қиладигани аниқланган эди. Утган давр мобайнида уларнинг 48 нафарини ватанга қайтаришга эришдик. Яна 30 нафари яқин кунларда оиласи бағрига келиш фикрида. Муҳими, хориждан қайтганларнинг барчаси ишли бўлди. 5 нафарига

чорвачилик ва деҳқончилик йўналишида имтиёзли кредит олишда кўмаклашдик. Ҳасанбой Хусанов — ана шундай инсонлардан. Сўбат чоғида у имконият бўлса, хорижда чикмай, шу ернинг ўзида меҳнат қилиш истаги борлигини маълум қилганди. Таклиф ва гоъларини тинглаб, “еттилик” тавсияси билан молиявий қўллаб-қувватладик. Ҳозир имтиёзли кредит олиб, савдо ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланыпти. Айтиши жоизки, ҳозирги даромади хориждагидан нафақат баркалироқ, балки иш жараёни ҳаловатли ва оила бағрида кечяпти.

Миграциядан қайтганлар билан суҳбатлашсангиз, аксарияти “юртдан узоқда тинмай меҳнат қилиб, топадиган даромадди ўзимизда ҳам ишлаб топса бўлар экан. Оилам бағрида яшаб, рўзғорга даромад олиб келаятганимдан яқинларимнинг ҳам кўнгли хотиржам. Бундай қулайлик яратган давлатимиздан беҳад миннатдорман”, деган қатъий фикрда.



Коммунал хизматлардан қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома бериш ПАСПОРТИ ТАСДИҚЛАНДИ.



Миллий рейтингда энг юқори ўринларни эгаллаган 50 та техникумга 1,2 млрд. сўм берилади.



Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятига асоссиз аралашувларнинг олдини олиш бўйича янги тизим жорий этилади.

“ТОП-100”: СИЗНИНГ ҚАНДАЙ ТАШАББУС ВА ТАЖРИБАНГИЗ БОР?

НОЗИК ЖУССАДАГИ НОДИР ФАЗИЛАТ

Бугун кечаги дунёга ўхшамаган янги қиёфадаги ажиб бир оламда яшаймиз. Оқибат ришталари ҳам аввалгидек мустаҳкам эмас. Йиллар давомида бир синфда ўқиб, турмуш ташвишлари сабаб узоклашиб қолган синфдошлар ўртасидаги муносабатларни-ку айтмаса ҳам бўлаверади.

“Тарбия — биргина оиланинг эмас, бутун жамият тақдири”



Рўзбой Қўлдошев, Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси.

— Жараёнда эътиборимни тортган бир жиҳат: низоли муҳитда вояга етаётган гўдакларда тушқунлик, ўқишга бефарқлик кайфияти устунлиги шундоққина сезилиб турарди, — дейди Жамила Сариева. — Шундай вақтлар уларнинг ота-онасини чақириб, кўп суҳбатлашганмиз. Бу тадбирнинг самараси берганини кўриб, кўнглим тоғдек кўтариларди.

Айни вақтда нафақага чиққан Жамила Сариева уйда бекор ўтиргани йўқ, ўзи яшаётган маҳалладаги Бонухон Маматов таълим олаётган йўқ. Унинг таълим олаётган йўқлиги, аслида, у ёшлаганидан шайрият ва санъатга меҳри бошқача бўлгани учун бу машғулотдан катта завқ олмақда. Ҳаётда эришган ютуқларининг яна бир сабаби, саксон саккиз ёшли онаси Хурсаной Собиорованинг олтинга тенг ўғитлари бўлган. У мудом волидасининг хизматини қилиб, дуоларини олади. Фарзанд учун бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

дия соҳасини тубдан яхшилашга қаратилди. Республика ноғиронларининг меҳнат қобилиятини аниқлаш ва тиклаш институтига директор бўлган, тиббий меҳнат эксперт комиссиялари учун қўлланма яратилди. Шароф Рашидовнинг тавсиясига биноан, Республика травмотология ва ортопедия институтига директор этиб тайинланди. Домланинг кейинги бутун фаолияти травмотология ва ортопедия соҳасининг остида бўлди. Шунингдек, малакали хизмат кўрсатуви нейрохирургия, травматология, ортопедия бўлимида иборат шифохона очилишига қўмақлашди. Фаолияти давомида 60 дан ортиқ илмий ишларни ва “Мия эхиноккоккози” номли монографиясини chop эттирди. 1972 йилда Москвада “Кўкрак

«Шарк» НМАК босмахонасида chop этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй. Гезета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

ОБОД ВА КЎРКАМ МАҲАЛЛА

“МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИ” ЙИҒИН РИВОЖИ ВА ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛЯПТИ

Яширмайман, илгари оддий қоғоз олишга ҳам маҳалланинг қурби етмасди. Бугунгидек замонавий маҳалла биноларида ишлаш, шинам мебель жиҳозлари ва компьютер жамланмаларини олиш ушалмас орзудек эди. Агар бирор ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаро ёрдам сўраб келса борми, маҳаллий ҳокимликка ёки тадбиркорларга сарғайиб юрардик.

Зулфия АБДУКАРИМОВА, Урганч шаҳридаги “Олма боғ” маҳалласи раиси.

Инг ёмони, нафақа тайинлаш, йиғилиш мажлиси, бандликни таъминлашдан тортиб, хотин-қизлар, ёшлар билан ишлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, солиқларни ундиришга ҳам маҳалла раиси югурарди. Бугун-чи?! Бугун вазият тубдан ўзгарди: “маҳалла еттичилиги” тузилгач, ҳар бир йўналишнинг ўз эгаси бўлди, маҳалланинг мавқеи, раисларнинг ваколати оширилди, барча масалалар шу ернинг ўзида ҳал этиляпти. Маҳалла том маънода ислохотлар марказига айланди. Энг муҳими, ҳар бир маҳалланинг ўз бюджетни ташкил этилди.

Эндиликда аҳолининг мол-мулк ва ер солиғидан тушадиган солиқ тушумларининг 10 фоизи “маҳалла бюджети”га қоляпти. Бу – ҳар бир маҳалланинг 100 миллион сўмгача маблағи бўлади, дегани. Ушбу маблағлар маҳаллада янги иш ўрни яратадиган, аҳолининг оғирини енгил қиладиган лойиҳаларга йўналтириляпти. Бу жараёнда солиқ сиёсати ва маъмурчиликни яхшилаш бўйича вақтида қабул қилинган қарорлар ҳамда маҳаллардаги солиқ инспекторларининг “маҳаллабай” ва “корхонабай” ишлаши катта ёрдам берапти.

Мисол учун, ўтган йили фуқароларнинг мол-мулк ва ер солиғидан ундирилган умумий тушумларининг 10 фоизи ҳисобидан шакллантирилган “маҳалла бюджети”га 15 миллион сўм тушган эди. Ушбу маблағлар ҳисобидан маҳалла хавфсизлигини таъминлаш учун ал-Хоразмий кўчасига тунги ёриткич чироклари, 4 та кўчага видеокузатув қўрилмалари ўрнатдик. Иш самарадорлигимизни ошириш учун рангли принтер ёлди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида эса “маҳалла бюджети”да 7 миллион сўм шаклланди. Шу маблағ орқали компьютер жамланмалари ҳамда мебель жиҳозлари харид қилинди. Яқин кунларда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож 4 та оиланинг уйини таъмирлашга киришамиз. Шунингдек, йил давомида кексалар учун соябонли дам олиш ўриндиқлари, Пахлавон Маҳмуд ва Йўлдош Бобожонов кўчаларига тунги ёриткич чироклари ўрнатилди.

Албатта, бу жараёнда “маҳалла еттичилиги” аъзолари солиқ инспекторига камарбаста бўлиб, мавжуд қарздорликни ундириш ишларини тўғри, ўз вақтида амалга оши-



Этиборлиси, “маҳалла бюджети” маблағлари ҳисобидан йиғин инфратузими яхшиланиб, аҳолига бир қатор қулайликлар яратилляпти. Хусусан, кўчалар асфальтланиб, пиёдалар йўлакларини ташкил этилди. Бу ўзгаришларни кўриб турган фуқаролар солиқларни ўз вақтида тўлашляпти. Чунки улар тўлаётган солиқ пуллари ўз маҳалласи ривожини, тараққиётини ушлатилади.

ришга қўмақлашляпти. Шунингдек, фуқароларга солиқ қонунчилигининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти тушунтириляпти. Айниқса, мол-мулк ва ер солиғидан тушадиган солиқ тушумларининг 10 фоизи “маҳалла

ХОТИРА

Мирзабек Дўстмуродов: травматология ва ортопедия соҳасининг пойдеворини яратган олим

Бугун тиббиёт соҳасида профессор Мирзабек Дўстмуродов яратган бой тажрибадан унумли ва самарали фойдаланиляпти.

Ашуралӣ БОЙМУРОД, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, “Шухрат” медали соҳиби.

У киши ўз фаолияти давомида шикастланган, касалланган бош ва орқа мияларга энг мураккаб жарроҳлик усуллари қўллаб, минглаб беморларни муваффақиятли даволади. Илмий изланишлари, янги жарроҳлик усуллари бугунги тиббиётда кенг қўлланиляпти. Мисол учун, миядаги эхиноккоккоз пуфакларини аниқлаш, уларни янги жарроҳлик усули билан олиб ташлаш, кўкрак умуртқасида остеохондроз касалликларини янги усуллар билан даволаш каби илмий изланишлари кенг оммалашди. Айниқса, оёқ протезининг мижоз оёғига мос тушиши, уни безовта қилмаслиги учун янги жарроҳлик усуллари ижобий натижалар берди. Тақдир тақозоси билан Мирзабек Дўстмуродов Андижон давлат тиббиёт институтида ўқитувчи, кафедра мудири вазифаларида хизмат қилиб, вилоят тиббиёт соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшди. Хусусан, институтда нейрохирургия бўлими-



Мирзабек Дўстмуродовнинг давлат ва халқ олдидagi хизматлари муносиб тақдирланди. 1989 йилда унга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби” фахрий унвони берилди.

нинг ташкил этилишига, травматология, ортопедия соҳасининг тараққиётини эшишига бошқош бўлди. Шунингдек, малакали хизмат кўрсатуви нейрохирургия, травматология, ортопедия бўлимида иборат шифохона очилишига қўмақлашди. Фаолияти давомида 60 дан ортиқ илмий ишларни ва “Мия эхиноккоккози” номли монографиясини chop эттирди. 1972 йилда Москвада “Кўкрак